

ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА ҚУДРАТИ ВА САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганда. Соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорда рақобатбардор техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизга ресурс тежамкор, замонавий, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш бўйича қилинадиган ишлар юзасидан маълумот берилди.

Жумладан, «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» акциядорлик жамиятида 2018-2019 йилларга мўлжалланган, қиймати 32,7 миллион долларлик 3 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даъватлари 50 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

Лойиҳадан кўзланган мақсад машина-трактор парклари, фермер ва деҳқон хўжалиқларини техникаларини янги турлари — замонавий галла ва ем-хашак ўриш комбайнлари, чигит ва галла экиш севакчалари, ерга ишлов бериш, картошка экиш ва йиғиб олиш техникалари билан таъминлашдир.

Давлатимиз раҳбари лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган қишлоқ хўжалиги техникаларини намуналари билан танишди. Жаҳон бозорига рақобат қилаётган бораётган бугунги кунда, ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай маҳсулот нафақат ички бозорни таъминлаши, балки халқро қўламда рақобатбардор ва экспортбоп бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Шу ерда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, «Техноло», «Аргетат», «УзКейсмаш», «Лемкен-Чирчиқ», «УзКласагро» корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаларини тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Президентимиз «Ўзбекимемаш заводи» акциядорлик жамиятида янги қуёв Ҷеи ва йирик ҳажмли ускуналарини ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Бугун мазкур корхонада нефтьгаз, кимё ва озиқ-овқат саноати учун иссиқлик алмаштини жиҳозлар, компрессорлар, насослар, нефть ва газни қайта ишлаш, кимёвий, бурғулаш ва ҳаво билан совутиш ускуналари, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилаётганда.

Корхона маҳсулотлари «Муборакнефтьгаз», «Шуртаннефтьгаз» акциядорлик жамиятлари, «Шўртангазкимё» мажмуаси каби йирик саноат корхоналари, шунингдек, Россия, Қозғоғистон, Беларусь, Украинага етказиб берилмоқда.

Ўтган йили 1,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда ушбу курсаткичи 2 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Шу мақсадда корхонани модернизация ва диверсификация қилиш орқали замонавий технологиялар асосида металл эритиш ва қуйишга мўлжалланган янги қуёв Ҷеи барпо этиш кўзда тутилмоқда. Умумий қиймати 18,9 миллион долларлик ушбу лойиҳа ҳаёта таътиб этилиши натижасида заводда турли номеклатурадаги қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йилга 1,7 минг тоннадан 4 минг тоннага етказилади. Ҷеи Европа мамлакатлари ва АҚШдан келтирилган ускуналар билан жиҳозланади. Лойиҳа 2019 йилнинг учинчи чорагида ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекимемаш» ва Чирчиқ трансформатор заводининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Маҳсулот турлари ва экспорт қўламини кенгайтиришда бундай янги қувватлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шу ерда Чирчиқ шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган қатор дастур ва лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Бугунги кунда Чирчиқда 300 дан ортиқ sanoat korxonasi faoliyat kursatmoqda. Shaхarни 2018-2019 йилларда иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 80 га яқин лойиҳа амалга оширилади. Natijaда ишлаб чиқариш ҳажми 1,6 баробар ошиб, 3 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Шаҳарнинг 2035 йилгача мўлжалланган бош режасига мувофиқ, ўтган йили 7 қаватли 3 уй қуриб битказилди. Жорий йил ана шундай 5 та, келгуси йил 10 та турар жой барпо этилади. Бундан ташқари, 2018 йилнинг март ойда ҳарбийлар учун 3 қаватли 8 ва йил охиригача 10 та уй қуриб фойдаланишга топширилади.

Чирчиқ деҳқон бозори ўтган асрнинг 50-йилларида барпо қилинган бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб берамай қолган. Тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига савдо-сотиқ учун кенг қулайликлар яратиш мақсадида уни реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда. Қиймати салкам 22 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа самарасида 3,7 гектар ерда янги бозор барпо этилади. Бозор ҳудудидан 4 қаватли гипермаркет, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишга мўлжалланган павильонлар, савдо расталари, автомобиллар турар жойи, автобус ва микроавтобуслар учун бекетлар қурилади.

Бундан ташқари, «Ўзбекимемаш» заводи томонидан 2,5 гектарлик «Машинасозлар» истироҳат боғини реконструкция қилиш ва жорий

йил Муствақиллик байрамигача фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Шаҳар ҳудудидан ўтувчи Бўзсув канали кирғоғи обodonлаштирилиб, аҳолига кечки пайт ҳордиқ қилиш учун сайлгоҳлар ташкил этилади.

Тошкент — Ҳўжакеи тўналишида қатновчи электропоездлар ўрнига замонавий тезорар электричкалар ҳаракатини йўлга қўйиш ҳам истиқболли йўналишлардан бўлиб, аҳоли фаровонлиги ва Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини оширишда муҳим қадамлардан бўлади. Бунинг учун Чирчиқ шаҳридаги «Чирчиқ» ҳамда «Бўзсув» темир йўл бекетлари замонавий андозлар даражасида янгидан барпо этилади.

Президентимизга Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтлари биноларини реконструкция қилиш, янги ўқув бинолари, спорт иншоотлари, талабалар турар жойлари қуриш, Тошкент — Қўбрай — Чирчиқ — Ҷазоикент ва Чирчиқ — Ҷазоикент автомобиль йўлларида турбанлиқни қаматириш, Псков ГЭСи ва тўғонини барпо этиш, Чорвоқ ГЭСи хавфсизлигини ошириш лойиҳалари ҳам тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари Чирчиқ шаҳри ўз имкониятлари ва салоҳиятига кўра, мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бири экани, бинабарин, ҳар бир лойиҳада ишлаб чиқариш структураси ва аҳоли турар жой шaroитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Лойиҳалар самардорлигини ошириш бўйича тегишли курсатмалар берди.

Заводнинг фаол залда ишчи-мутахассислар, Чирчиқ шаҳри жамоатчилиги вакиллари, нурунийлар, ёшлар билан ўтказилган учрашувда шаҳарда амалга оширилаётган ўзгаришлар моҳияти, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, ёшлар таълим тарбияси масалалари ҳусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев шу кунги пойтахтимиздаги Қуроли Кучлар академиясига таъриф буюрди. Маълумки, Президентимиз 2017 йил январь ойда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб, мазкур билим юрти замирида муллоқа янги Қуроли Кучлар академиясини ташкил этиш бўйича топшириқлар берган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 апрелдаги қарори билан Қуроли Кучлар академиясига қайта ташкил қилинди.

Мазкур ҳарбий ўқув маскани Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг шoнли ҳарбий аъноалари, мамлакатимизнинг етакчи илмий-таълим муассасалари

илгор таърибасини ўзига қамраб олган.

Бугун академия мамлакатимизда жорий этилган ҳарбий таълимнинг ягона тизимида асосий ўринни эгаллаётган, том маънода ҳарбий илм-фан марказига айланди. Академияда лейтенантлар тайёрлаш, офицерлар малакасини ошириш, армия бошқарув таркибидagi қўмондонлик кадрларини махсус тайёрлашдан ўтказиш ишлари йўлга қўйилган. Бу ерда умумқўшин, қўмондонлик-штаб, малака ошириш факультетлари, ўн битта кафедра фаолият юритмоқда.

Қурсант ва тингловчилар ҳарбий, гуманитар, аниқ фанлар бўйича таълим олади. Академияда ўқув жараёни хорижий давлатларнинг илгор таърибаси асосида ташкил қилинган. Таълим жараёнига энг янги усул ва технологиялар жорий этилган. Аудиоториялар замонавий тренажёрлар, ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган.

Президентимиз академияда яратилган шaroитлар билан танишди. Ўқув хоналари, музей, ошхона, курсантлар ётоқхоналарида бўлиб, уларнинг таълим олиши, ҳарбий маҳсулотларни бажариши жараёнини кўздан кечирди.

Академия тингловчиларининг касб маҳорати, интеллектуал даражаси ва маданиятини янада ошириш учун барча шaroитларни яратишимиз даркор, деди Шавкат Мирзиёев. Бу жараёнда ҳарбий билим юртида таълим олишнинг замонавий услубларини жорий этиш, юксак ақл-заковатли кадрлар тайёрлашга эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондонни ташаббуси билан ташкил қилинган «Темурбеклар мактаби»да тахсил олган ёшлар ҳам мазкур академияда ҳарбий таълимни давом эттириб, малакали офицерлар бўлиб хизматга киришади.

Бундан ташқари, барча олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибининг тайёрлаш, жумладан, уларнинг хорижадаги етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари тингловчилар ва курсантлар билан сўбатлашди. Қуроли Кучлар ташкил этилганининг 26 йиллиги билан табриклади. Улар аждодларимизга муносиб авлод бўлиб, замонавий билимларни пухта эгаллаши лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Қуроли Кучлар академиясининг ситуацион марказида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибидagi махлусида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

ЎзА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Буюқ давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикасининг Президентини ҳузуридagi Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси тегишли вазиралик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» танловини эълон қилган эди.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАОЛИЯТИ СОЛНОМАСИ — МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

Танловга мамлакатимиз ва хориқ оммавий ахборот воситаларида чоп этилган, интернет нашрларида эълон қилинган кўпглаб материаллар, илмий-оммабоп мақолалар, Биринчи Президентимизнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоб ва рисоалар келиб тушган. Нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан уларнинг энг яхшилари сараланиб, 2018 йилнинг 1 чорагида танлов голлибарининг номлари эълон қилинди.

Шундай китоблардан бири «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов фаолияти хроникаси (Солнома)»дир.

Мазкур нашр Ислам Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги йигирма етти йиллик фаолият хроникасини ўзига мужассам этган. Солномани арақлар эканиси, Биринчи Президентимиз мамлакатимизнинг мураккаб ва таҳликали даврида ҳам, шoнли зафарларга бой пайтида ҳам халқ билан бирга бўлгани, халқнинг дарду ташвиши, қувончу шодлиги, орзу-истакларини худди ўзиникидек қабул қилгани, «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган эзгу фoяларига содиқ қолгани, шу юрт, шу эл учун ўзи айтомқичи яшаш кераклигини амалда исботлагани гувоҳ бўласиз.


Мана улардан айримлари: «1989 йил 25 июнь. Ислам Каримов Фаргона вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан танишиш мақсадида ушбу вилоятда бўлди. Ўзбекистон раҳбари вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида бориб, юзага келган нотинч вазият туфайли жабр қўрган одамлар билан сўбатлашди, аҳолини барқарорлаштириш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича маҳаллий раҳбарларга аниқ курсатмалар берди».

«1990 йил 20 июнь. Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида Муствақиллик декларацияси қабул қилинди. Декларацияда ҳуқуқий ва демократик давлат муствақиллигининг устуворлиги, Ўзбекистоннинг иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан муносабатлари шaroитлари асосида белгилашни ва давлат белгилари (герб, байроқ, мадҳия)ни ўзи таъсис этиши қайд этилди.»

«1991 йил 31 август. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида маъруза қилди. Ушбу сессияда мамлакатимиз ҳаётида буюқ тарихий воқеа содир бўлди. Юртбошимиз бугун дунёга Ўзбекистон Республикаси муствақиллигини эълон қилди. 1 сентябрь — Муствақиллик кунини умумхалқ байрами этиб белгилади.»

Ислам Каримовнинг фаолияти давомидagi мамлакатимиз ҳаётидаги бундай тарихий, асрларга татигулик янгиланиш ва ўзгаришлар ҳақида яна кўпглаб мисoллар келтиришимиз мумкин. Асосийси, буларнинг барчаси Биринчи Президентимизнинг жаосратини, матонатини, мардлиқ ва олижаноблик фазилатларини, ноёб истеъдоди, одиллиги ва донишмандлигини, узoқни кўра билиши ва Ватанимизга, халқимизга садоқатини, унинг келажига буюқ бўлишига улкан ва қатъий ишончи туфайли руй берди.

80-йиллар охири 90-йиллар бошидаги оғир ва машаққатли даврларда, ўзининг пуч фoялари билан барчанинг «оғзига лой шувба» келган «буюқ империя»нинг пойдевори нураб, бутун бошли халқлар, миллатлар оёққа қалқиб, қатор мамлакатларда вазият издан чиқиб, танг аҳвол юзага келганда ҳам Биринчи Президентимиз юксак минбарлардан туриб,



халқни хотиржамликка, бундай пайтда ақл билан иш тутишга, ҳар қандай вазиятни тинч йўл билан ҳал қилишга қарлади, давлат этди. Аждодларимизнинг асрий орузи муствақиллик, эркинлик ва озошликни ҳаёти эди, халқни ўзининг юксак умуминсоний гоғларни атрофида бирлаштира олди.

Буюқ давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, халқимизнинг азиз фарзанди Ислам Каримов бугун фаолиятини, ҳаётини Ватанимизнинг озошлигини, тинчлик-осойишталигини, халқимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi учун баҳшида қилди. Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқиб, ўзини ҳимоя қилишга қурби етмаган, иқтисодий бир-еқлама ривожланган, пахта як-қажоқчилиги ҳалоқатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси гоғат очиноқ аҳволга тушиб қолган қоноқ республикадан тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамjamiyatida ўзига муносив ўрин эгаллашган, қудратли давлатга айланган, муствақиллик йилларида халқимиз улкан ютуқ ва марраларга эришishi — буларнинг барчаси Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ. Ҳатто умрларининг охириги кунларида ҳам, соғлиғи ёмонлашган пайтда ҳам халқига, эл-юртига садоқатини, фидоилигини, меҳр-муҳаббатини намоён этди:

«2016 йил 31 август. Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Давлат муствақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги йўлади. Давлатимиз раҳбарининг байрам табриги 1 сентябрь кунини матбуотда чоп этилди»...

Биринчи Президентимизнинг ўзи бошлаб берган улғ йўлнинг қулғу йигирма бешинчи доғонидagi ушбу табриғида шундай сўзлар бор эди:

«Қадри ва муҳтарам ватандошларим!

Сизларни, бугун халқимизни Муствақиллик кунини билан яна бир бор табриклаб, барчангизга тинчлик-омонлик, бахту соодат, хо-надонларингизга, эл-юртимизга файдоз барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи кўзласин, ўзи мададдор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз му-саффо, халқимиз омон бўлсин! Муствақиллигимиз абадий бўлсин!»

Халқимиз омон экани, Биринчи Президентимизнинг бу тилақлари, албатта, ижобат бўлади: муствақиллигимиз абадий бўлади. Халқимиз Биринчи Президентимиз орзу қилган буюқ келажак сари дадил одимлашди, оёзд ва обод Ватанини кўз қорачида асраб, эртанги авлодларга беэавол етказишди, бу йўлда бир-бирига елкадош, маслақдош бўлиб ҳаракат қилишда давом этаверади.

Байрам АЙТМУРОВОВ, ЎзА шарҳловчиси.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА Бир оғиз меҳрли сўз

Кексалар ва ноғиронлиги бўлган шахсларга меҳр-муруват кўрсатиш халқимизнинг эзгу қадриятларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда бу борадаги хайрли ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига, савоатпеша инсонларнинг кўнгли ишига айланаётгани кўнарали.

— Туманимизда 31 минг нафарга яқин пенсионер ва турли нафақа олувчилар истиқомат қилади, — дейди ЎЗХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. — Уларнинг 14 минг нафарга яқини аёллар, 2 минг нафардан кўпроғи боқувчисини йўқотган фуқаролардир. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилда депутатлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан ноғирон, яқна-ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олинди. Дилдан сўбат қурилиб, уларни қийнаётган масалалар ўрганилди. Бугун ҳаётнинг ўзи инсон манфаатлари, қадр-қимматини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

— Худудимизда 800 нафарга яқин уруш ва меҳнат фaҳрийлари умргузаронлик қилмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармаси Денов туман бўлими раҳбари ўринбосари, ЎЗХДП аъзоси Камол Норқобилов. — Нуронийлар,

ноғиронлиги бўлган шахслар ҳамда ёлғиз қариялардан хабар олиши, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш дастурий мақсадларимиздан ҳисобланади. Айниқса, ёши улғу онахонларимизга алоҳида эътибор, меҳр беришимиз керак. Ўтган йили ҳолийлик маблағлари ҳисобига 13 нафар уруш қатнашчиларини уйи таъмирлаб берилди. Бундай ишларни ҳар йили, керак бўлса, ҳар кунни давом эттиришимиз лозим.

— Тинч ва хотиржамлик ҳўм сурган жойда меҳр-оқибат, муруват ва савоатпешалик бўларкан, — дейди «Янги ҳаёт» маҳалласида истиқомат қилувчи Абдумухтор Раҳмонов. — Конституцияимизнинг 25 йиллиги арафасида отахону онахонларга дорин-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатишди. Бундан қўнғил сўраб, қўллаб-қувватлашганидан ниҳоятда хурсанд бўлди. Кексайганинда бир оғиз меҳрли сўз қўнғилнинг тоғдай қўтариб юбораркан.

Меҳр кўзда, муруват дилда бўлади, дейдилар. Ўтган йил мобайнида амалга оширилган эзгу ва хайрли ишлар бу йил ҳам давом этади, ақтиёманд кишиларни қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазифаларимиздан бўлиб қолади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА Янги қўмитанинг иш режаси лойиҳаси муҳокама қилинди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 12 декабрда мамлакатимиз тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиллиқда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, халқимизни тиббиёт тизими фаолиятдан рози қилиш борасида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 4 январь кунги Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Қўйи палатада ташкил этилган йилги мазкур қўмитанинг 2018 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Тадбирга тиббиёт соҳаси мутахассислари ва экспертлар ҳам жалб этилиб, тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари юзасидан уларнинг фикрлари олинди.

Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси раиси И.Ҳажиев ва бошқарув бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аҳоли соғлигини сақлаш, жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, оиалларда, маҳаллаларда соғлом муҳитни муствақамлаш бўйича олиб бoрилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганини таъкид-лади. Қўмита аъзолари энди ишни кабинетда ўтириб қоғозда эмас, балки амалда,

ҳар бир тиббиёт муассасасига кириб, уйма-уй юриб ташкил қилиш вазифаси юкталди.

Йилгилашда қўмита фаолиятининг асосий жиҳатлари келишиб олинди. Ҳусусан, билрамчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари тизимида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш бoрасида олиб бoрилаётган парламент, депутатлар ва жамоатчилик назорати самардорлигини янада ошириш лозимлиги қайд этилди. Қўмита аъзолари тиббиёт муассасаларида мутахассис кадрлар етишмовчилиги билан боғлиқ муаммоларни бар-тараф этиш ва аҳолига иxtисослашган тиббий хизматлар кўрсатиш самардорлигини кўтарошга кўмаклашиш, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳусусий секторни янада ривожлантириш, тиббиёт соҳасида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасидаги ишларнинг амалий натижаларини ошириш чораларини қўришга келишиб олди.

Йилгилашда қатнашган ҳусусий тиббиёт муассасалари мутахассислари томонидан соҳага хорижда инвестициялар ва юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, ҳусусий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилишнинг кенгайтириш, тиббий туризм ва тиббий хизматлар экспортини йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш бўйича тақлифлар билдирди.

Г.САТТОРОВА, ЎзА муҳбири.

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

«Албатта Темурбеклар мактабида ўқийман»

Бу минглаб фарзандларимизнинг орзуси...

— Мен Темурбеклар мактабида ўқувчиларга физика фанидан дарс бераман, — дейди Гулшод Ҳасанова. — Қуролли Кучлар тизимида сержант бўлиб хизмат қилаётган турмуш ўртоғимни ўтган йили гуруҳ командирлигига таклиф этишди. Бизни Қаршидаги ҳарбий қисмдан кўчириб келиб, уй-жой билан таъминлашди, мени ўқитувчиликка олишди. Ўғлимиз Отабек Қўзиёв ҳам шу даргоҳда таҳсил олаётди. Ҳозир уларнинг байрам кўнига тайёргарлик машқларини кўзатиб турган ота-оналарнинг ҳаяжонини кўриб, мен ҳам таъсирланиб кетдим. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондонини Шавкат Мирзиёев айтганидай, фарзандларимиз буюк давлатчиликка асос солган Амир Темур авлоди эканини бир лаҳза ҳам унутмаслиги, мамлакат мустақиллигини кўз қорчигидай асрашни муқаддас бурчи деб билиши керак...

— Мен Фаргона вилоятиданман, — дейди мактаб тарбияланувчиси Шохжаҳон Райимжонов. — Отам ҳарбий бўлгани учун бу касбга болалигимдан қизиққанман. Соҳибқирон бобомиз номи билан аталган даргоҳда таҳсил олиш катта бахт, деб ўйлайман. Келажақда Президентимиз билдирган юксак ишончни оқлаш, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиб, давлатимиз мудофая қудратини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман...

Мамлакатимиз раҳбари томонидан бошланғич ҳарбий таълим муассасаларининг Темурбеклар мактаби деб номланиши беҳиз эмас. Чунки буюк саркарда Амир Темур бобомизнинг жанг санъати жаҳоннинг қўллаб ҳарбий академиялари томонидан ҳали ҳанузгача тадқиқ қилинмоқда, ўрганилмоқда.

— Байрам муносабати билан барча жойларда ҳарбий ватанпарварлик тадбирлари, фестиваллар ўтказилапти, — дейди Темурбеклар мактаби 3-гуруҳ командири, сержант Раҳмон Алиев. — Уларга ўқувчиларимиз пухта

тайёргарлик кўришяпти. Пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил толаганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган «Миллий армиямиз — ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактаби» шиори остида илк бор ўтказилган ҳарбий-ватанпарварлик фестивалларида, тадбирларда, спорт мусобақаларида Темурбеклар мактаби, ҳарбий академик лицейлар ва ўрта махсус касб ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари фаол иштирок этишмоқда.

— Мен ҳарбийлар оиласида туғилганман, — дейди тошкентлик Даврон Фармонов. — Бу йил Темурбеклар мактабини битириб, ҳужжатларимни Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртига топширишни ният қилиб қўйганман. Барча фанларни ўзлаштириб, ҳарбий техника, жисмоний машғулотлар буйича пухта тайёргарлик кўраяман.

— Темурбеклар мактабида таҳсил олаётганим билан фахрланаман, — дейди Жаҳонгир Абдураимов. — Яқинда Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган халқаро Комбат айқидо спорт мусобақасида қатнашиб, иккинчи ўринни қўлга киритдим. Энди жорий йилнинг март ойида Шарқ яқинидаги буюк таълим маркази Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўраяман. Мақсадим — спорт соҳасида муваффақиятларга эришиш билан бирга келажақда олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришдир.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 24 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш буйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарор асосида мамлакатимизда фаолият юритаётган 29 ўрта махсус ҳунар техника коллежлари ҳамда академик лицейларда ҳарбий таълим йўналишига ихтисослашган махсус гуруҳлар ташкил этилган, — дейди Темурбеклар мактаби директори ўринбосари, подполковник Қамбарали Азизов.

— Республикамизнинг Тошкент, Фаргона, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида фаолият юритаётган ҳарбий академик лицейларга Темурбеклар мактаби номи берилди.


Ҳарбий таълим йўналишидан келиб чиққан ҳолда фанлар, машғулотлар тақомиллаштирилди, бу соҳага камиди ўн йиллик педагогик стажга эга бўлган обрў эътиборли ўқитувчилар, гуруҳ командирлиги лавозимларига Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган, ҳарбий округларда сержантлар тайёрлаш мактабини битириб чиққан мутахассислар шартнома асосида ишга қабул қилинди. Ўқув тарбия жараёнлари ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтиришни ҳамда уларнинг кейинчалик олий ҳарбий ва олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришини назарда тутадиган Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари асосида олиб борилди.

Мактабимиз Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Миллий гвардия қўмондонлиги томонидан оталиққа олинган. Улар қўмағида Ахборот ресурслари маркази фонди тегишли қўлланмалар, адабиётлар билан бойитиб борилапти. Синф хоналарини зарур кўргазмали воситалар, фотосуратлар, дарс мавзусига оид ашёлар билан жиҳозлашда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази раҳбарияти яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

...Темурбеклар мактабидан қайта-ётиб, «Очиқ эшиклар кўни» муносабати билан бу ерга умумтаълим мактабларидан келган ўқувчиларга дуч келдик. Улар мактаб фаолияти билан танишар эканлар, ҳарбий кийим ўзига ярашиб турган ўқувчиларга ҳавас билан қарашаётганини илгаш қийин эмас эди. Айни дамда кўзлари қақнаб турган бу ўсмирлар «Албатта Темурбеклар мактабида ўқийман!» деган қатъий ҳулосага келган бўлса керак...

Нуруллоҳ ДОСТОН,
 «Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎТЛОВ



«ЎЗСТАНДАРТ»
 агентлиги жамоаси

халқимизни Янги — 2018 йил билан муборакбод этади!
 Янги йилингиз қутлуғ бўлсин,
 азиз юртдошлар!



Реклама ва эълонлар учун:
 233-47-80, 233-38-55

«Ўзбекистон» телерадиоканали жамоаси телеканал сиёсий шарҳловчиси Собир Мирзаевага онаси
 УЛАШ аянинг
 вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
 E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

Tahrir hay'ati:

- | | | |
|--------------------|------------------|--------------------------------------|
| Hotamjon KETMONOV | Muslihiddin | Farrux HAMROYEV |
| Ulug'bek VAFOYEV | MUHIDDINOV | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Saidkamol XODJAYEV | Ochilboy RAMATOV | Tat'yana KISTANOVA |
| | | (Bosh muharrir o'rinbosari) |



Qabulxona — 233-65-45
 Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
 Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80
 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
 Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
 «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
 Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
 Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
 «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 138. 13934 nusxada bosildi.
 Nashr ko'rsatkichi — 220.
 t — Tijorat materiallari
 O'za yakuni — 01:10.
 Topshirilgan vaqti — 02:50
 Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Abdusalim MAHMUDOV
 Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 4 5 6